

# Илм қачон фойдали бўлади?

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Абдурраҳмон ибн Солиҳ Маҳмуд*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2014 - 1435

IslamHouse.com

# متى يكون العلم نافعا

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ عبد الرحمن صالح المحمود

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1435

IslamHouse.com

## **Биринчи хутба**

### **Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

Барча Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир. Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштиргувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

**«Хой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек кўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

**«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан**

кўркингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

**«Эй мўминлар, Оллоҳдан кўркинлар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглари ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди»(Аҳзоб: 70 – 71).**

Сўнг ...

Дўстлар!

Билингларики, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларининг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир.

Оллоҳ йўлидаги дўстлар, шу кунларда ўғил ва қизларимиз ва талабаларнинг илмий ҳосиллари олинадиган мавсумга кириб келмоқдамиз. Мен Оллоҳ таолодан олган билимлари улар учун Оллоҳнинг тоатига ёрдамчи, динларида онг, исломий умматлари

учун иззат ва шон қилишини, барчани Ўзи суйган ва рози бўлган нарсаларга муваффақ қилиши, дунё ва охиратда тавфиқ ҳамда муваффақиятга эриштиришини тилагандек, сўрайман.

Оллоҳ йўлидаги дўстлар!

Таълим ва имтиҳон йўлларида барча халқлар – уларнинг кофиру мўминлари кирмоқдалар. Хўш, бу илмнинг турли тармоқлари ва ихтисосларида Ислом Умматини ажратиб турадиган хислатлар нима?

Илм Ислом дастурида икки қисмдир:

(Биринчи қисм): Шаръий илм бўлиб, унинг асоси – Қуръон, суннат, ижмоъ ва Уммат салафининг сўзларидир. Бу – ақоид, ҳаётнинг барча тармоқларини ўз ичига олган шариат, шубҳа, ўзгартиш ва таъвил кира олмайдиган даражада соғлом манбадан келиши билан Ислом Уммати ажралиб турадиган илмдир. Чунки, буни пайғамбарларнинг охиргиси – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, Оллоҳ эса Ўз Китобини сақлашни кафолатга олган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни очик-равшан баён қилиб етказишга буюрган ва У Зот етказган ва У Зотнинг суннатлари ўтмишдаги ва ҳозирги

уламоларнинг ҳаракатлари билан бизгача етиб келгандир.

Ислом Уммати ажралиб турадиган ушбу илмлар ўз бобида бошқа бутпараст халқлар илми у ёқда турсин, китоб эгаларининг бузилган китоб ва илмларидан ҳам тубдан фарқ қилади. Бу – Ислом Уммати ажралиб турадиган, фахр, иззат, татбиқ ва амал қилиш билан таракқиёти юзага келган (биринчи) қисмдир. Бу – Ер юзидаги ҳар бир халққа мусулмонлар иймон келтирган нарсаларга иймон келтириб, уларнинг йўлларига эргашсаларгина насиб этадиган шаръий илмдир.

Иккинчи қисм: Шариатга асосланмаган барча илмлар (фанлар). Яъни, сабабларини ушлагани он Ер юзидаги барча инсонлар тенг бўладиган моддий илмлар. Бу илмлар Ислом уммати ичида зарурий илмга айланиши учун Ислом дастурида икки ишнинг амалга ошиши лозим:

**Биринчиси:** Бу илмнинг фойдали ва зарарсиз бўлиши. Бу билан зарарли ва мутлақо фойдаси бўлмаган илмлар ўртадан чиқади. Чунки бундай илмлар билан шуғулланиш, зарарли бўлмаса ҳам, вақтни зое қилади.

**Иккинчи қисм:** бу илмларни ўрганаётган толибнинг яхши нияти.

Ушбу ният Ислом умматининг эҳтиёжи, заруратлари ва унинг бошқа халқлардан беҳожат бўлишига боғлиқдир. Бу ниятгина илмларни, эгалари Оллоҳнинг савобига эришадиган фойдали илмга айлантиради. Меҳнатларимиз, сарфлаётган вақт ва молларимиз, Ислом Умматининг кофирларга бу ишларда қарам бўлиб қолишидан қутилиши билан бу илм – Ислом дастурида талаб қилинган илмга айланадики, унинг соҳиблари Оллоҳнинг ажрига сазовор бўладилар. Ислом дастурида шаръий ва моддий илмлар учун Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога бўлган ихлосга асосланган яхши ният шартдир. Буни бизга шариатни етказган ва саҳобаларига: *«Мендан бир оят бўлса ҳам етказинглар!»*, – деб айтган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ер юзига ёйилиши учун Оллоҳга чақирувчи даъват байроғини тиккан, ҳарбий қўшинларни юбориш билан бирга, эҳтиёж туғилганида саҳобалардан бирининг ажнабий тиллардан бирини ўрганшига буюрган, жанг майдонларида эса эронликларнинг жанговар тажрибаларидан фойдаланган Зот эдилар.

Булар – баъзи мисоллар, холос. Бу мавзу кенг бўлишига қарамай, мен уларнинг айримларига ишорат қилиб ўтмоқчиман.

Оллоҳ йўлидаги дўстлар!

Қуръон дастурига кўра қайси илмлар фойдали ва қайсилари фойдасиз эканлигининг ўлчови нима? Бугунги кунда кўпи кофирларда бўлган ва ёшларимиз ҳамда зиёлиларимиз эгаллагандек кўринаётган қайси замонавий илмлар фойдалидир? Бу моддий илмлар қачон фойдали ва тўғри бўлади? (Бу саволларга жавоб бериш учун), Оллоҳ таолонинг Китобидаги уч оят олдида уч марта тўхталиб ўтамиз.

**Биринчидан:** Оллоҳ таоло Фотир сурасида шундай деган:

**«Оллоҳ осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдамида рангу рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғлардан ҳам оқ, қизил — ранго-ранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) ҳам бордир. Шунингдек одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Оллоҳдан бандалари орасидаги олим-**



**билимдонларгина кўркар. Шак-шубҳасиз Оллоҳ кудратли, мағфиратлидир»** (Фотир: 27 – 28).

Ушбу икки оятда Оллоҳ таолонинг ягона нарса – осмондан ёғилган сувдан анвойи турдаги нарсаларни яратиши билан кудрати ва камолоти баён қилинган. Чунки Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло турли рангдаги тоғлар, инсонлар, судралувчилар ва ҳайвонларни яратганидек, қизил, оқ, сарик, яшил, қора ва бошқа турфа рангдаги меваларни чиқарган. Булар – инсон мудохала эта олмайдиган Оллоҳнинг хилқатидир. Барча махлуқлар Роббиси бўлган Оллоҳ буюк бўлди! Оллоҳ таоло бу оят сўнггида: **«Оллоҳдан бандалари ичидан уламоларгина кўркадилар!»**, – деди.

Ибн Аббос (разияллоҳу анҳу бу оятни): «У (уламо)лар – Оллоҳ барча нарсага қодир эканини билган одамлардир!»— де(б изоҳла)ди. Ибн Аббос (разияллоҳу анҳу)нинг бу изоҳи, моддий илм яъни, ўзлари ҳамда Коинотдаги нарсаларни билишлари, Оллоҳ таборака ва таолога далолат қилса ибодат ва итоатга айланишини ва бу билимларини Оллоҳ таолога боғлашлари шериксиз Оллоҳга ибодат қилишга олиб борадиган Оллоҳ кўркувсини вужудга келтиришини ифодаламақда. Ибн Аббос (разияллоҳу

анху): «Раҳмон (Оллоҳ)ни билиш – Унга бирон нарсани шерик қилмаган, ҳалолилини ҳалол, харомини ҳаром қилган, кўрсатмаларини ёдда тутган ва Оллоҳга дуч келиб, қилган ишларидан ҳисоб беришига ишонган одамнинг билими, демакдир», – деди.

Шунга кўра Оллоҳга ишониш, Оллоҳдан кўркишга олиб бормайдиган ҳар қандай илм – аслида, илм эмасдир. (Ҳофиз) ибн Касир (раҳимахуллоҳ) ушбу оят тафсирида шундай дейди: «Яъни, Оллоҳдан ҳақиқий кўрққанлар – Оллоҳни таниган олимлардир. Чунки, камолот сифатлари ва гўзал исмлар билан тавсифланган Алийм-Билгувчи, Қодийр-Қудратли Зотни танигани сайин, У ҳақдаги билим такомиллашади, Уни яхшироқ танилади. Ундан қаттиқроқ ва кўпроқ кўрқилади».

Азиз дўстлар, ушбу мезон билан замондош маданият илмлари ўлчанади. Бу маданият илмлари эгаларини Оллоҳ сари ҳидоят этдими? Ёки улар ғурур-алдовни пайдо қилиб, қалблари ушбу моддий илмлар билан кечаю-кундуз Роббисига қарши чиқдими?!

Иккинчи тўхталиш: Оллоҳ таоло айтди: «**Ёки кечалари сажда қилган ва қиём-тик турган холда тоат-ибодат қилгувчи, охиратдан кўрқадиган ва Роббисининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга ғарқ бўлган кимса баробар бўладими)?!**» **Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўладими?!».** Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насихат оладилар» (Зумар: 9).

Оллоҳ ва Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га итоат қилган обид билан Оллоҳга ширк келтириб, шерик қилган Зот баробар бўладими? Улар ҳеч қачон баробар бўлмайдилар!! Бу итоатгўй банда Оллоҳга кечаю-кундуз сажда қилиш, охиратдан кўрқиб, Роббисининг раҳматидан ноумид бўлмай қиёмда тик туриш билан тавсифланмоқда. Ҳолбуки у қилган амаллари ва эзгуликлари кўп бўлишига қарамай (Оллоҳга нисбатан) кўрқув ва умид ўртасида бўлади.

Сўнгра Оллоҳ: «**Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўладими?!**», – демоқда.

Имом Табарий (раҳимахуллоҳ) шундай деди: «Оллоҳ таоло: «Ҳой, Муҳаммад, қавмингизга айтинг: «Роббиларига итоат қилсалар бериладиган савоб ва итоатсизлик қилишдаги масъулиятларини биладиганлар билан, буни билмайдиган, эзгу амаллари учун яхшиликни умид қилмай, қабих амаллари учун ёмонликдан кўркмай дарбадар юрган одамлар баробарларми?»» – деб: «У иккиси баробар бўлмайди», – демоқда».

(Муфассирлар имоми) Қуртубий (раҳимахуллоҳ) айрим уламоларнинг: «У (уламо)лар билимлари билан фойдаланиб, унга амал қилган кишилардир. Билими билан фойдалана олмаган ва унга амал қилмаган кишилар эса билмаган одам мақомидадирлар», – деганларини нақл қилди.

Оллоҳ йўлидаги дўстлар, бу – шаръий ва шаръий бўлмаган илмларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам, ушбу оят бир неча нарсага далолат қилади:

**Биринчиси:** Оллоҳ сари етакламаган илм, қандай бўлмасин, ҳақиқий илм эмасдир.

**Иккинчиси:** Соғлом-тўғри илм ўз эгасини Оллоҳ ҳузуридаги нарсага рағбат ва унинг жазосидан

огоҳлантириб, Оллоҳнинг шариатига мувофиқ амал қилишга ундайди.

**Учинчиси:** Ҳаётнинг ғояси, жумладан, илмни турли фанлари ва тармоқларига қарамай ўрганишга ҳаракат қилиш – Оллоҳ таолога ибодат қилиш, демакдир.

Шундагина ҳаёт мезони барқарор бўлади.

Мен ўзим, сизлар ва барча мўминлар учун Оллоҳдан ҳамма гуноҳларни мағфират қилишини сўрайман. Бас, сизлар ҳам Ундан мағфират сўранглар. Дарҳақиқат, У – Ғафур-Мағфират қилгувчи, Раҳийм-Меҳрибон Зотдир.

## Иккинчи хутба

Барча Оламлар Роббиси бўлган Оллоҳга ҳамдлар, анбиё ва расулларнинг энг шарафлисига ва Унга Қиёмат кунигача издош бўлган кимсаларга салавоту саломлар бўлсин.

Учинчи тўхталиш Оллоҳ таолонинг Рум сурасидаги ушбу сўзлари биландир: **«Алиф, Лом, Мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу-охир барча иш Оллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Оллоҳ (румликларни) ғолиб қилгани сабабли шодландилар. (Оллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилади. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир»** (Рум: 1 – 5).

Ушбу оятда Оллоҳ таолонинг урушнинг бошида бутпараст эронликлар ғолиб кела бошлаган ва бундан Макка мушриклари қувонган бўлсаларда, румликларнинг ғалаба қозониш-ларидан берган дараги бордир. Мен Қуртубий (раҳимахуллоҳ) бу ҳақдаги сўзларини, Оллоҳ таолонинг: **«Мўминлар у кунда Оллоҳнинг зафари-ёрдами билан**

**кувонадилар»** ояти олдида бир тўхташ учун келтирдим.

Қуртубий (раҳимахуллох) шундай дейди:

«Одамлар мусулмонларнинг румликлар-нинг зафари ва румликлар ғолиб келиши учун эътибор берганларини айтиб ўтдилар. Чунки, румликлар мусулмонлар сингари китоб эгалари, эронликлар эса бутпараст эдилар».

Наҳҳос (раҳимахуллох) шундай дейди: «Бошқа гап ҳам бор ва у тўғрироғидир: У (мўмин)ларнинг қувончи Оллоҳ ваъдасининг рўёбга чиқиши (сабабли) эди. Чунки бу – пайғамбарликка ҳужжат эди. Зеро Оллоҳ таоло бир неча йил ичида бўлиши мумкин бўлган нарсадан хабар берган ва у хабар айтилган йиллар ичида амалга ошган эди».

Ибн Атийя (раҳимахуллох) айтди: «Буни кичик душман ғалабасига бўлган муҳаббатни назарда тутишга сабаб қилиш шубҳалидир. Чунки унинг жанговар ҳолати кучсиздир. Агар катта душман ғолиб келса, хавф ҳам кучаяди. Сиз бу ҳақда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз дини ва Оллоҳ тарафидан олиб келаган шариатинининг бошқа

халклар устидан ғолиб келишини умид қилиб турган, маккалик мушрикларнинг эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни йўқ қилиб, роҳатлантирадиган қиролликни қанчалар хоҳлаган бир пайтларида, ўйлаб кўринг.

Мўминларнинг қувончи, аслида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғалабаси сабабли эди. Чунки Бадр кунида Жибрил алайҳис-салом румликларниг бу зафаридан хабар берган эди. Оллоҳ таоло бу оятлардан сўнгра: **«(Бу) Оллоҳнинг ваъдасидир. Оллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар. Улар охиратдан ғофил-бехабар бўлган ҳолларида фақат ҳаёти дунёнинг зоҳиринигина биладилар»** (Рум: 6, 7) – деди.

Одамларнинг талайгина қисми, омма олдида олимдек ва инсон, Ер, фалакиёт ва бошқа нарсалар ҳақидаги кўп фанларни билгандек кўринсаларда, билмайдилар. Бунинг сабаби, Оллоҳ таоло айтганидек: **«Улар дунё ҳаётининг зоҳиринигина биладилар, холос»** (Рум: 7).

Дунё ҳаётининг зоҳири жуда ҳам чеклангандир. Инсон эса ўзининг чекланган ҳаёти



давомида буни чуқур ўрганишга эриша олмайди. Унинг илмининг нисбати, Ернинг бошқа сайёраларга бўлган нисбати кабидир. Ер ва Ердаги ҳаёт, ушбу улкан Коинотга нисбатан замон ва макон нуқтаи назаридан, митти нарсадир.

Кофирларни «**Дунё ҳаётининг зоҳиринигина биладилар**», – деб тавсифланди. Бунинг бир неча сабаблари бор:

**Биринчидан:** Уларнинг билимлари моддий ва юзаки бўлиб, ҳаётнинг Оллоҳ ирода қилган барқарор қонунлари қолиб, юзаки тарафигагина боғлиқдир. Уларнинг билимлари шу билимларни берган, яратган ва ўлчаб қўйган Яратгувчиларидан айридир. Шунинг учун ҳам улар ҳаётнинг моддий қонунларинигина биладилар. Ҳаётнинг қандай ва нима учун келганини, уни ким яратганини билмайдилар. Бу – кофирлар беҳабар бўлган нарсалардир.

**Иккинчидан:** Кофирлар билимлари, моддий маърифатлари ва унинг кундалик ўсишига маҳлиё бўлиб, ҳар бир оқил одам тафаккур қилиши керак бўлган оддий ҳақиқатни унутадилар. У ҳақиқат: «Инсонни яратишдан қандай мақсад назарда тутилган?».

Ушбу буюк жаҳоншумул маданият, илмий тараққиётнинг ҳайратомуз поғоналарига етганини ҳақида ўйлаб кўринг. Бироқ, шахс «Мени ким ва нега яратган? Оқибат қаерга?» каби оддий саволларга жавоб топа олмаяпти. Билим савиялараи қанчалар баланд бўлмасин, кофирлар ҳақида Оллоҳ жуда ҳам тўғри айтган: **«Улар ҳайвонларга ўхшайдилар, балки улардан ҳам адашганроқдирлар!»** (Аъроф: 197).

Илмий моддий фанларнинг биронтасида машҳур бўлган олим, модомики, Оллоҳга лойиқ бўлганидек иймон келтирмас экан, мазкур оят ҳукми остига киради.

**Учинчидан:** кофирлар охират, Алоҳнинг ҳузурида ҳисоб ва жазо учун (қайта тирилиб) туришдан беҳабардирлар. Оллоҳ таоло оятнинг хотимасида: **«Улар – охиратдан беҳабардирлар»**, – деди (Рум: 7).

Охират, ўлимдан сўнгра қайта тирилишни инкор этиш ва ундан беҳабар бўлиш, дунё ҳаётининг ўлчовларида катта дарз очади. Дунё ҳаётигагина боққан инсоннинг билими кемтик ва юзакилигича қолади. Бундай одамнинг ҳаётни ҳаётдаги барча

ходисалар, ҳаётдан отилиб чиқадиган нарсалар билан тасаввур қилиши, тасаввур қилганда ҳам тўғри тасаввур қилиши мумкин эмас. Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган мўминнинг ўлчовида нарсаларга боқиш, ҳаёт билан муомала қилиш, ҳаёт ҳақидаги ўлчовлар бутунлай фарқли бўлади. Ҳатто у қурилиш, ободончилик билан шуғулланар ва моддий илмларида илгарилар экан, ҳаётга қисқа фоний дунёни боқий абадий дунёга боғлайдиган барқарор ўлчов ва қонунлар билан муомала қилади. Бу – Мўмин Исломи Уммат вужудга келтирган маданият билан, давримизнинг кофир маданияти вужудга келтирган маданият ўртасидаги фарқдир.

Бу майдондаги ушбу икки уммат ўртасини таққослар эканмиз, охиратга иймон келтирган ва унинг ҳисобини қилган одамнинг, шу дунёси учунгина яшаб, унинг ортидан бирон нарсани умид қилмаган одам билан учраша олмаслиги яққол намоён бўлади. Бу иккиси ушбу дунё ишлари ёки қийматларининг биронтасини ўлчашда яқдил фикр бўла олмайдилар, ҳодиса ёки ҳолатлари учун бир хил қарор бера олмайдилар. Чунки ҳар иккаласининг ҳам нарсалар, ҳодисалар, қийматлар ва ҳолатларга нисбатан айрича қараши бор. Буниси дунёга зоҳирий тарафдан боқса, униси зоҳир ортида зоҳир ва ботин,

ғайб ва ошкор, дунё ва охират, ўлим ва ҳаёт, ҳозир, ўтмиш ва келажак, одамлар олами ва жонлилар ва жонсизлар оламини бир-бирига боғлаган боғ ва умумий қонунлар бор эканини идрок этади. Бу – Ислом башариятни олиб чиқадиган ва инсонга лойиқ мартабаларга етказадиган узоқ, кенг ва шомил уфқдир.

Оллоҳ йўлидаги дўстлар!

Ҳа, Оллоҳ ва охиратга бўлган иймонга асосланган маданият билан, Оллоҳга кофир бўлиш ҳамда ҳисоб кунига ишонмасликка асосланган маданият бирлашиши мумкин эмас.

Оллоҳ йўлидаги биродарлар!

Ҳой, илм толиблари!

Ҳой, тадқиқотчилар!

Ҳой, маърифат издошлари!

Ислом уммати сизлардан, бошқалардан беҳожат қиладиган фойдали илмни кутмоқда. Ислом уммати сиздан аввало шаръий илмлари, кейин эса

бошқа илмларини юксалтишингизни кутмоқда. Уммат сиздан ўзини биз таниган мағрур, қолақ эмас халқлар йўлбошчиси, бугунги кундагидек эмас балки ўзига обрўли ва шарафлидек қараладиган умматга айланишни кутмоқда.

Оллоҳ таолодан Илом умматини уйғотишини ва унинг ўз динига соғлом бир шаклда қайтишини, илмларини соғлом шаръий дастур асосида ўрганишини сўрайман.

Оллоҳим, Ислом ва мусулмонларни азиз қил!  
Оллоҳим, Ислом Умматининг обрўсини кўтар!

Оллоҳим, биз Сендан барча илм толибларини ҳаётидаги соғлом дастурга муваффақ қилишингни сўраймиз!

Оллоҳим, биз Сендан иймон, фойдали илм ва солиҳ амални сўраймиз!

Оллоҳим, биз Сендан бизга иймонни севимли қилишинг, қалбимизни у билан зийнатлашингни, биз учун куфр, фисқ ва осийликни ёқтирмай, бизларни тўғри йўлдагилар қаторида қилишингин сўраймиз!

Оллоҳим, ширк ва мушрикларни хор қил!

Ҳой Оламлар Роббиси, Ислом душманларини қаерда бўлсалар ҳам яксон қил!

Оллоҳим, ҳой Оламлар Роббиси, бизга, Исломга ва мусулмонларга нисбатан ёмон ниятда бўлган кимсаларни ўзлари билан ўзларини овора қил!

Ҳой Оламлар Роббиси, уларнинг режаларини ўзларининг ҳалокатларига сабаб қил!

Оллоҳим, Сендан вафот этган барча мусулмонларга раҳм қилишингни сўрайман! Оллоҳим, бизни ва биздан илгари ўтган биродарларимизни мағфират қил ва қалбимизда мўминлар учун гина-кудурат қўйма! Роббимиз, Сен раҳмли ва меҳрибон Зотсан!

Оллоҳ пағамбаримиз Муҳаммад, Унинг оиласи ва барча саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин.